

НАЗАР ҲАКИМОВ
ДИЛРАБО АМРИДИНОВА


**ЖАДИДЧИЛИК
ТАЪЛИМОТИДА КОМИЛ
ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ
ФАЛСАФИЙ МОҲИАТИ**

Монография

«IQTISODIYOT»

1
K-1B

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI



Назар Ҳакимов,
Дилрабо Амридинова

**ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДА
КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ
ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ**

Монография

Тошкент – “ИQTISODIYOT” – 2023

TDIU
kutubxonasi
h/v 8303

УЎК: 113/119(575.1)

КБК: 86.38 (023)

Ҳакимов Н.Х., Амридинова Д.Т. “Жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг фалсафий моҳияти” / Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2023й. – 210 б.

Мазкур монографияда жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг фалсафий моҳияти ўрганилган. Тадқиқотда жадидларнинг маънавий меросида миллатпарварлик ғояларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги тутган ўрнини чуқурроқ англаб етишга қаратилган ғоя ва қарашлари тадқиқ қилинган. Туркистон жадидлари ижтимоий-фалсафий қарашларининг инсонпарварлик, маънавий юксалиш, бағрикенгликка йўғрилган янги қирраларини ўрганиш натижасида уларнинг ҳозирги даврда мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиши, демократик давлат қуриш, тараққиётнинг янги босқичидаги назарий ва амалий аҳамияти таъкидланган.

Монографияда янги Ўзбекистон тараққиётини таъминлаш, билимдон, юқори малакали, Ватан манфаатларига содиқ ёшларни тарбиялашда жадид мутафаккирларининг илмий мероси, фалсафий ғояларининг ёшлар тафаккури шаклланишига илмий-методологик жиҳатдан хизмат қилиш зарурати асосланган. Тадқиқот муаллифлари томонидан ёшларнинг ахлоқий, маънавий маданиятини шакллантиришда жадид мутафаккирларининг фалсафий меросидан самарали фойдаланиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Масъул муҳаррир: фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Т. Шодиев

Такризчилар: пед.ф.д, профессор Г.Х. Ибрагимова,
ф.ф.н., доцент А.К. Содиков,
ф.ф.д., PhD И.А. Рустамов

*Ушбу монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Илмий кенгашининг 2022 йил 29 апрельдаги №9-сонли
қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-8860-4-9

© “IQTISODIYOT”, 2023.

КИРИШ

Жаҳонда рӯй бераётган бугунги глобаллашув жараёнида инсон онги ва тафаккурини эгаллашга бўлган уринишлар тобора кучайиб бормоқда. Бу, биринчидан, иймон-эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари юксак, миллий масъулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган маънавий баркамол фуқароларни тарбиялаш, иккинчидан, тарихий хотирани ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Вужудга келган маънавий-ахлоқий онгнинг ўзгариши оқибатида ёш авлодни мафкуравий, ғоявий жиҳатдан ҳимоя қилишда улғу аждодларимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари, маърифати, юксак билим, касб-хунар ва ахлоқий етукликка интилиш каби хислатларини давом эттиришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Айниқса, уларнинг таълим-тарбия, комил инсонга оид прогрессив қарашлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида буюк мутафаккирларнинг бой маънавий меросини тадқиқ қилишга қаратилган илмий-назарий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, мутафаккирлар маънавий меросида инсон моҳияти, маънавий комиллик мезонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, комил инсон ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таҳлили ва ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотлар конструктив аҳамият касб этмоқда. Зеро, мутафаккирларнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий ғоя ва таълимотлари бугунги кунда жамиятни маънавий таҳдидлардан ҳимоялашда, ёш авлоднинг фалсафий онгини юксалтириш ва мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашда илмий-концептуал аҳамиятга эга. Шу маънода, ёшларнинг фалсафий-гносеологик дунёқарашини юксалтиришда мутафаккирларнинг, айниқса, жадид намояндаларининг маънавий-илмий меросини замонавий илмий-методологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш бугунги илмий жамоатчиликнинг тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда маърифатпарварларнинг илмий, маънавий меросида илгари сурилган ватанпарварлик, собитқадамлик, бағрикенглик, маънавий огоҳлик, гуманизм, шахс камолоти борасидаги қарашларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак,

халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг кадрилини англаб етади”¹.

Шу нуқтаи назардан, бугунги жамият тараққиёти ва маънавий қиёфасини юксалтиришда жадид намоёндалари томонидан илгари сурилган “комил инсон концепцияси”нинг конструктив аҳамиятини фалсафий тадқиқ этиш ҳамда унинг концептуал асосларини ёшлар онгига сингдириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шарқ мутафаккирлари маънавий меросида инсон моҳиятини ўрганишга ва инсон фалсафий тафаккурига таъсири масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ўрта Осиёда илмий тадқиқотлар маркази, Марказий Осиё университетида жадидчиликка доир муаммолар Калифорния университети (АҚШ), Гумбольд номидаги Берлин университети, Германия илмий тадқиқотлар маркази (Германия), Оксфорд Ислом тадқиқотлари маркази (Буюк Британия), Ўрта Осиё институти (Франция), Яқин Шарқ университети (Кипр), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Истанбул университети (Туркия), Тожикистон миллий университети (Душанбе) олимлари томонидан, Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат университетларида (Ўзбекистон) тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида Туркистон жадидларининг маънавий меросида комил инсон ҳақидаги таълимотнинг фалсафий таҳлили ва ижтимоий-фалсафий масалалари бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий мероси, хусусан, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ижодида маънавий комиллик мезонларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни илмий асосланган (Hofstra university, Нью-Йорк); жадидчилик таълимоти намоёндаларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари ва комил инсон ҳақидаги ғояларининг инсон камолотига маънавий-руҳий таъсири асосланган (Санкт-Петербург университети, Россия); шунингдек, М. Бехбудийнинг илмий-маънавий мероси манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган (Россия ФА Шарқ қўлёзмалари институти, Россия), жадидларнинг халқаро алоқалари, ўзаро сафарлар, мулоқотлар орқали тажриба алмашиниши

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, 19 (7521)-сони.

инсоннинг ўзлигини билишда муҳим эканлиги кўрсатилган (Олтой давлат университети, Россия).

Жаҳонда Туркистон жадидларининг маънавий меросини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: инсон маънавий-ахлоқий инкирозининг олдини олиш; эгоцентризмнинг потенциал сабабларини бартараф этиш; инсонлар орасида меҳр-оқибат, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришга оид илмий концепциялар яратилди; миллий-маънавий мерос захираларини бойитиш; инсон маънавий тараққиёти тарихида алоҳида шахсларнинг тутган ўрнини тадқиқ этиш; комил инсон ҳақидаги таълимот тарихини янада бойитишда Марказий Осиё мутафаккирлари илмий-маънавий меросининг фундаментал аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Жадидларнинг маънавий мероси тадқиқи жаҳондаги етакчи илмий жамоатчилиги эътиборини доим ўзига жалб қилиб келган. Хусусан, хорижий мутахассис-олимлар томонидан умуман жадидчилик ҳаракати, шу билан бирга Туркистон жадидчилиги ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиши, мазмун-моҳияти хусусида бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, америкаликлар Адиб Холид, Э. Олворт, франциялик А. Беннингсон, германиялик И. Балдауф¹, япониялик Ҳисао Коматсу, орлеанлик профессор Э. Лаззери каби шарқшунос, тарихчи олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар Туркистон жадидчилиги ҳаракатининг генезиси, эволюцияси, ижтимоий-фалсафий моҳиятига қаратилган бўлиб, маълум даражада мавзу доирасидаги Туркистон жадидчилиги таълимотининг мазмун-моҳияти ёритиб берилганини кўриш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А.
Маниёзов, Г. Ашуров, М. Шукуров, О. Сайфуллаев, Р. Ҳодизода, А.

¹ Baldauf Ingeborg. *Jadidism in Central Asia within Reformism and Modernism in the Muslim World // Die Welt* Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татаристана, 1997; Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган. *des Islams, New Ser. Vol.41, Issue 1. (Mar., 2001)*. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Мирахмедов, Н. Нургазина, Н. Гафаров, Стефан А. Дюдуаньон¹ каби олимлар томонидан жадидларнинг адабий-тарихий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти тадқиқ қилинган. Бироқ тадқиқотларнинг жадидчилик ҳаракатининг ғоявий, ижтимоий-фалсафий моҳияти, жадидчилик таълимотидаги умуминсоний, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар талқинига оид асарларида жадидларнинг комил инсон муаммосига оид қарашлари деярли ўрганилмаган.

Ортимиз олимларидан Ш.Раджабов², И.Мўминов³, М.Фаттаев, Д.Алимова, Д.Рашидова, Д.Зияева, Ҳ.Содиқов, А.Алиев, Б.Қосимов, Б.Назаров, Б.Дўстқораев, М.Худойкулов, Н.Каримов, О.Шарафидинов, С. Қосимов, Ш. Ризаев, Э. Каримов, Ғ.Маҳмудов ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ⁴.

Фалсафа фани доирасида жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий, маърифий, ахлоқий, маънавий ва эстетик жиҳатлари фалсафий контекстда Б.Эргашев, Ж.Я.Яхшилик, Г.Маҳмудова, Ш.Мадаева, Л.Муҳаммаджонова, М.Нурматова, Б.Очилова, Р.Шодиев, А.Айматов, С.Абдувоҳидов, Х.Ашурова сингари файласуф-олимлар томонидан ўрганилган⁵. Жумладан, жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳақида: Б.Эргашев “Из истории становления и развития общественно-политических идей джадидизма”; Р.Шодиевнинг “Самарқанд жадидларининг фалсафий-ижтимоий қарашлари”; С.Абдувоҳидовнинг “Жадидчилик ҳаракатининг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ва ҳозирги замон”; Х.Ашурованинг “Самарқанд жадидларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари (XX асрнинг биринчи чораги)”, жадидчилик ҳаракатининг маърифий, ахлоқий масалалари тўғрисида Л.А.Муҳаммаджонованинг “Жадид маърифатпарвар шоирлари –

¹ Стефан А. Дюдуаньон. Кадымизм: элементы социологии мусульманского традиционализма в татарском мире и в Мавераннахре (конец XVIII – нач XX вв.) – Казань: Институт истории АН Татарстана, 1997; Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

² Раджабов Ш. Джадидизм и Туркестане (1905—1917 гг.). Тезисы на диссертации на соис. уч. ст. канд. ист. наук.-Ленинград, 1937.

³ Муминов И.М. Из истории развития общественно-политической мысли в Узбекистане конца XIX - начало XX вв. – Ташкент, 1957.

⁴ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁵ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Анбар Отин ва Дилшод Барнонинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари”; Ш.О. Мадаеванинг “Абдурауф Фитратнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари”; жадидчилик ҳаракатининг маънавий ва эстетик жиҳатлари Г. Маҳмудованинг “Джадидское движение в Туркестане и его влияние на развитие нравственно-эстетической мысли”; М.Қ. Нурматованинг “XVIII-XIX асрларда Ўзбекистонда эстетик тафаккур таракқийси (Ўзбек мумтоз шоирлари ижоди мисолида)”; А. Айматовнинг “Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадий асослари” масалаларига қаратилган изланиши мавзу доирасидаги муаммони тадқиқ этишда маълум даражада илмий-назарий аҳамиятга эга.

Шунингдек, мавзуга оид Ватанимиз тарихчи ва адабиётшунос олимларининг қатор илмий тадқиқотларини ҳам кўрсатиш мумкин. Жумладан, Д. Алимова “Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость”; Д.Н. Раджабова “Туркистон жадидларининг қарашларида ёшлар ва хотин-қизлар масалалари (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)”; Д. Зиёева “Национально-освободительное движение в Туркестане в историографии XX века (проблемы изучения истории восстания 1916 года и движение «Истиклолчилик»)”; XX аср бошлари Туркистон миллий-озодлик ҳаракати ҳамда жадидчилик ҳаракатининг ўзаро алоқадорлигини ёритиб беришда Қ. Ражабовнинг “Жадидлар – истиклолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари” номли тадқиқотлари; Х. Ваҳидов “Просветительская идеология в Туркестане (1870-1925)”; Б. Қосимов “Жадидчилик”, “Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик”, “Буюк сиймолар, алломалар” номли тадқиқотлари, У. Долимов “Жизнь и творчество узбекского поэта-просветителя Ибрата”; А.А. Жалолов “Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг ривожланиш жараёни (XX аср охири ва XX аср бошлари)” каби мавзуга доир бир қатор илмий-назарий тадқиқотларни амалга оширдилар.

Ушбу фалсафий тадқиқотларда жадидчилик таълимоти мазмун-моҳиятининг тарихий-бадий асослари ҳамда маърифатпарварлик ғояларининг ижтимоий-фалсафий талқини билан боғлиқ бўлган янги маълумотлар тақдим этилди. Бироқ Туркистон жадидчилик таълимотининг ижтимоий-фалсафий таҳлили натижалари асосида минтақада янгиланиш жараёни содир бўлганлиги ва комил инсон концепциясини илмий тадқиқ этиш ҳали яхлит ҳолда илмий таҳлил қилинмаганлигини кўрсатди.

Ї боб. ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДАГИ КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Жадидчилик таълимоти ва ҳаракати вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ижтимоий-фалсафий омиллари

Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт XIX асрнинг охири ва XX бошларига келиб маърифатпарварликнинг юқори босқичи бўлган жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди.

Жадидлар дунёқарашининг шаклланишига таъсир этган мавжуд муҳит уларнинг эрк, мустақиллик, озодлик, фаровон ҳаёт, миллатпарварлик, баркамол авлодни тарбиялаш каби эзгу мақсадларга эришувларини чегаралаган эди. Жадидларнинг борлиқнинг умумназарий масалалари, хусусан, инсон ва унинг моҳияти, оламни билишда ақлнинг роли каби рационалистик қарашлари жамият тараққиёти ва миллат тақдири билан боғлиқ фалсафий муаммолар билан ҳамоҳангдир.

Жадидлар ўзларигача мавжуд бўлган исломий қоидаларда мавжуд бўлган ғоя ва қарашлардан фойдаланиб, гуманистик, ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари сурдилар. Жадидчиликнинг фалсафий-маънавий меросини ўрганиш ундан самарали фойдаланиш учун кенг имконият яратади. Жадидлар томонидан яратилган умуминсоний кадриятларни ўрганиш ва ўзлаштириш таълим ва тарбияни инновацион такомиллаштириш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Жамият тараққиётининг янги босқичида мутафаккирлар, алломаларимизнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни ажодларимизнинг илғор илмий анъаналари руҳида тарбиялаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зеро, “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида халқимизни, айниқса ёшларни янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишга ундамоқда.

Таъкидлаш жоизки, миллий ғояни тарғиб қилишда фақат тадбирлар эмас, балки тарихни, кадриятларни ўргатиш, бадиий адабиётга ва китобхонликка меҳрни кучайтириш, шунингдек, кино,

театр санъати имкониятларидан унумли фойдаланиш жуда муҳим. Шу нуқтаи назардан, жадидларнинг мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида эътироф этилган Ватанга муҳаббат ва садоқат, бағрикенглик, оилани эъозлаш ва мустақкамлаш, маънавий огоҳлик, гуманизм ва ислом маърифати кадриятларига риоя этиш каби фалсафий ғояларининг мазмунини тадқиқ этиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жадидчилик XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкаси ҳаётидаги мураккаб сиёсий кучлар силсиласида миллий кадриятларга асосланган ва прогрессив йўналишга эга бўлган таълимот сифатида вужудга келди. Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаракат сифатида ўз дастурида Туркистон ўлкаси аҳолисининг ижтимоий манфатларини акс эттирди. Жадидчилик ҳаракати вакиллари ўзларининг илмий салоҳияти, фидойилиги, инсонийлик фазилатлари, ижтимоий-маънавий ва сиёсий фаолиятлари билан халқнинг энг илғор вакиллари сифатида тарих саҳнасига кириб келдилар.

Жадидчилик ҳаракатини объектив, ҳолисона фалсафий назардан тадқиқ қилиш ва унинг назарий, амалий аҳамиятини баҳолаш имконияти фақат мустақиллик шарофати билан рўй берди.

Айнан мустақиллик йилларида жадидчилик ҳаракати феноменининг мазмун ва моҳиятини очиб беришга бағишланган тарихий-фалсафий, адабий-бадиий йўналишдаги тадқиқот ишлар бошланди. Шу билан бирга файласуф-олимларимиз томонидан муаммога янгича принципиал қарашлар ва мустақил ёндашувлар шаклланган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги миллий озодлик, мустақиллик учун олиб борилган курашлар жараёнига онд масалаларни таҳлил қилиш ва бу соҳада объектив, илмий асосланган хулосалар чиқаришда хилма-хилликлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Жадидчилик – мураккаб ривожланиш йўлини, яъни маърифатпарварликдан интеллектуал сиёсий салоҳиятга эга бўлган ҳаракатгача бўлган босқични босиб ўтди. Туркистон ўлкасининг ўша даврда иқтисодий тараққий этган давлатлардан ортда қолиши ва мустамлакачиликдан азият чекаётган халқнинг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи каби ҳолатлар Туркистон жадидларини ижтимоий тараққиётнинг илғор йўлини кашф этишга ундади.

Ўз даврининг зиёлилари вужудга келган вазиятда мамлакат қолюқлигининг туб сабабини маърифатсизликда деб билдилар. Айнан маърифатсизлик туфайли хукм сурган жаҳолатни бартараф этишда маориф ва маърифатни ислоҳ қилиш йўли танланди. Натижада жадидчилик ҳаракати йўлбошчилари асосий эътиборни маорифни ислоҳ қилишга қаратдилар. Ушбу ижтимоий мазмундаги ислохотларни амалга оширишда янги усулда ўқитиладиган мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар барпо этиб, уларни ўқув дарсликлари ва қўлланмалар билан таъминлаш билан бирга маърифатпарварлик ғояларини ёш авлодга сингдириш учун фаолият олиб бордилар.

Бу даврда Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт бу ҳудудда маърифатпарварликнинг юқори босқичи бўлган жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Жадидчилик феномени шу даврдаги саноат, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса-да, унинг бир қанча йўналиш ва босқичга эга бўлган ғоявий манбалари мавжудлигини эътироф этиш зарур.

Туркистондаги мураккаб ва зиддиятли ижтимоий шароитларда пайдо бўлган илғор ижтимоий-фалсафий тафаккур, хусусан, ўзбек бадий адабиётига доир асарларда намоён бўлди. Янги ижтимоий-фалсафий тафаккур, бир томондан, ўрта асрларга оид бошқариш усули бузилиб бораётган, иккинчи томондан эса, мамлакатда янги капиталистик муносабатларнинг ривожланиш даврида вужудга келди. Жадидчиликка хос бўлган ижтимоий-фалсафий тафаккур, татар тарихчиси Яхё Абдуллин таъбири билан айтганда, “капитализмнинг дунёга келиши ва демократик ҳаракатларнинг эзилган миллатлар ўртасида уйғониши билан чамбарчас боғланиб кетди. Қрим ва Қозон зиёлилари ўртасида бошланган бу ҳаракат тез орада Туркистон кенгликларига ҳам ёйилди»¹.

Фалсафий манбаларда эътироф этилишича, жадидчилик XIX асрнинг иккинчи ярмида Боғчасарой ва Волгабўйи халқлари орасида чор мустамлакачилари зулмидан норозилик ҳаракати сифатида бўлди ва унинг таъсирида Туркистон жадидчилиги вужудга келди. Туркистон жадидчилигининг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёни сабаблари, жамиятнинг ижтимоий-маърифий ҳаётидаги

¹ Гафуров И. Жадидлар ва жадидчилик. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1995 йил 17 февраль.

Ўрнига объектив баҳо бериш учун амалий фалсафий омиллар қай даражада таъсир кучига эга бўлганлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун XIX аср охири ва XX асрнинг бошларидаги тарихий вазият ҳақида объектив фикр юритиш лозим.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чор ҳукумати томонидан Ўрта Осиёни забт этиш бошланди ва ўлкада мустамлака тартиби ўрнатилди. Ўрта Осиёда халқ оммасини эксплуатация қилиш кучайди. Чоризм маориф, маҳаллий матбуот, адабиётни юксалтиришга қарши қаратилган тadbирлар ишлаб чиқди, халқнинг озодлиги, эркинлиги, шунингдек, дунёвий билим ғояларига асосланган маърифатпарварликка қарши курашди. Бундай салбий жараён жадидчилик ҳаракатини ҳам четлаб ўтмади. Тадқиқотчи Р. Шамсиддинов таъкидлайдики, “Жадидчилик ҳаракатини, унинг майдонга келиш ва ривожланиш босқичларини, умуман, жадидчиликни мустасно қилиб, ўша давр тарихини тўласича тиклаб бўлмайди. Ваҳоланки, ҳозиргача ёзилган тарихимизда жадидчилик умумий тарихий жараёндан юлиб олинди, нари борса уни салбий воқеа, реакция миллатчилик ҳаракати, деб баҳолаб келдик»¹.

Ўрта Осиёда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш, ундан хомашё манбаи ва товар сотиш бозори сифатида фойдаланиш мақсадида бу ўлкада генерал-губернаторлик бошқарув тизимига асосланган ҳарбий маъмурият тузилди. Генерал-губернаторлик 1867 йил 11 июлдаги Россия императори фармони билан таъсис этилган”². Шундан кейин ҳарбий губернаторлик Туркистон ўлкасининг Сирдарё, Етгисув, Самарқанд вилоятларида ташкил қилинган.

Туркистон генерал-губернаторлиги ўлка аҳолисининг мустамлакачилик сиёсатидан норозилигини теран англади. Шунинг учун ҳам эҳтимоли бўлган сиёсий, иқтисодий муаммоларга алоқадор халқ ғалаёнларини бостириш мақсадида ҳарбий кучлар шай ҳолда сақланган. Буларга қарамасдан, Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi ўлка иқтисодини ташкил қилувчи аввалги хонлик тузумига нисбатан бирмунча қулай шароит яратди.

Қўқон хонлиги тугатилди, Бухоро амири ва Хива хонлиги Россиянинг вассалига айлантирди. Шу даврда темир йўллар қурилди, янги иқтисодий алоқалар, литография, босмаҳоналар вужудга келди, рус олимлари томонидан Ўрта Осиёда турли илмий жамиятлар

¹ Шамсиддинов Р. Жадидчилик: ҳақиқат ва уйдирма. //Мулоқот, 1991 йил, 1-сон. 56-б.

² Бартольд В. История культурной жизни Туркестана. – М., 1927. – С.182.

тузилди. Ижтимоий ҳаётда муҳим омилларнинг вужудга келиши Туркистондаги илғор кишиларда янги ҳаётга интилиш фикрини уйғотди. Улар ўлканинг илм-фан, маърифат ва техника тараққиёти жиҳатидан қолоқлигини, Европадан орқада қолиб кетганлигини тушуниб етдилар.

Чор ҳукумати ўлкада пахта етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун барча чораларни кўрди. Жумладан, 1886 йилда пахта етиштириш ҳажми 3 млн., 1910 йилда 10,8 млн. ва 1915 йилда 18,5 млн. пудни ташкил этди¹. Туркистон ўлкаси хомашё манбасига айланганлиги, пахта хомашёси Россияга олиб кетилди. Бу эса нафақат халқнинг, балки, шу жумладан, маҳаллий юқори табақа вакиллари ҳамда зиёлиларнинг норозилиги ва нафратига сабаб бўлди.

Аммо, яқинда шакллана бошлаётган ўзбек савдо ва саноати вакиллари, яъни миллий буржуазия Россия саноатчилари билан ҳамкорлик қилиш тарафдори эди. Натижада пахтачилик саноатининг ривожланиши туфайли янги қайта ишлаш корхоналари барпо этилиши, янги капиталистик муносабатларнинг шаклланиши, Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётининг аста-секин ривожланишига туртки берди.

Маҳаллий маъмурият, хусусан, қозилик илгариги имтиёзларидан маҳрум бўлди, чунки халқ оммаси ўртасида ўзининг аввалги таъсирини йўқотди. Энди хонлик ва амирлик давридаги амалдорлар ўрнини чор ҳукуматининг ҳарбий ва фуқаролик ишлари билан шуғулланувчи маъмурлари эгаллай бошлади. Маҳаллий зодагон ва бойлардан танлаб олинган вакиллар асосан вилоят бошқарувчилари, оқсоқоллари ва тармоқ бошлиқлари сифатида фойдаланилди.

Туркистонда маҳаллий бойларнинг янги қатлами – завод эгалари, корхона хўжайинлари, шу билан бирга катта ер эгалари, пахта сотиб олувчилар, савдогарлар ҳам пайдо бўлди. Қишлоқда товар хўжалиги ривожланиши аҳолининг табақаларга бўлинишини жадаллаштирди, деҳқонлар оммасининг қашшоқланишини кучайтирди, деҳқонлар – мардикорлар, чоракорлар, камбағал ва ўрта ҳоллардан иборат қатламларга бўлинди.

¹ Зиёев Х. Жаҳидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошлари) //Жаҳидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. 15–6.

Чоризмнинг босқинчилик сиёсати ўлкани мустамлакага айлантириш билан чегараланиб қолмай, маҳаллий аҳолининг миллий маданиятига путур етказишга қаратилган эди. Туркистон мустамлакачилари эса маҳаллий халқларни қолоқликда сақлашни мақсад қилиб қўйган. Маҳаллий халққа мумкин қадар кўпроқ қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса пахта эктириш, уларни тинимсиз ишлашга мажбур этиш, бунинг натижасида ўзбек халқининг, сиёсий жараёнларни англаб енгизишга вақти, хоҳиши, имконияти қолмаслигини назарда тутганлар.

Чор ҳукуматининг ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати ўлканинг маънавий ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, босқинчилар ўзбек тилининг ривожланишига монелик қилиб, рус тилига давлат тили мақомини берди. XX аср бошларида миллий тилда газеталарни чоп этишга қисман рухсат берилди. Аммо улар ҳам узоқ фаолият кўрсатмасдан ёпиб қўйилди. Ўлкада газета ўқийдиганларнинг сони оз бўлганлиги учун улар муайян бир тор доиранинг эҳтиёжини қондирди. Россия ҳукумати халқ маорифини ривожлантиришга эътибор қилмади, таълим тизимини маблағ билан таъминламади. «Туркистон генерал-губернаторлиги бюджетининг фақат бир фоизигина маорифга ажратилди. Унинг 74 фоизи рус мактабларини, 26 фоизи рус-тузем мактабларини таъминлашга сарфланди»¹.

Мустамлака маъмурлари Туркистондаги миллий мактаблар ва мадрасалар фаолиятини чуқур ўрганганларидан сўнг улар фаолияти ўзларининг мустамлака сиёсатини амалга ошириш учун ниҳоятда хавфли эканлигини англадилар. Шу сабабли Туркистон генерал-губернаторлари К.П. Кауфман, Н.О. Розенбах ўлкада рус-тузем мактаблари тармоғини яратишни қўллаб-қувватладилар.

Натижада 1884 йили Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилиб, уларнинг сони XIX аср охирига келиб юздан ошиб кетди. Бу мактабларда ўқитиш икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида икки соатлик машғулотни рус ўқитувчиси (ўқув, ёзув, ҳисоб), иккинчи қисмида эса ўзбек тилидаги дарсни ўзбек муаллими олиб борган. Маҳаллий аҳолининг турли қатламлари ўртасида рус-тузем мактабларининг таъсирини кенгайтириш учун маҳаллий мактаб ва мадрасаларга нисбатан ўқитиш нархи арзонлаштирилди,

¹ Зиёев Х. Жади́длар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрнинг бошлари). //Жади́дчилик: ислоҳот, янгилиниш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. 17–6.

камбағалларнинг қобилиятли болалари учун ўқитиш бепул қилинди. Шунингдек, рус-тузем мактабларини “яхши”, “аъло” баҳоларга тугатган туб жойли аҳолининг болаларига имтиёзлар бериш ғоясини илгари сурилди.

Бу тadbирнинг амалга оширилишидан кўзланган мақсадга кўра, бу – маҳаллий аҳоли болаларини рус-тузем мактабларига жалб этиш учун зарур шароит яратиши мумкин эди. Туркистон ўлкасида рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг сони ошиб борди. Жумладан, 1901 йилга келиб, Туркистонда рус ўқув муассасаларининг сони 395 тага етди. Улардаги ўқувчилар сони 29000 дан кўпроқ эди. Шундан кейинги беш йил давомида рус мактабларининг сони 413 тага етиб, ўқувчилар сони 36500 ни ташкил этган¹. Маҳаллий аҳоли фарзандлари ҳам турли имтиёзлар орқали рус тилида ўқишга тортилди. Бунинг натижасида ёшлар рус тилини ўрганибгина қолмай, балки русча фикрлаш кўникмаларига ҳам эга бўла бошладилар.

Туркистон генерал-губернатори С.М. Духовский халқни доимий итoатда сақлаш учун ўлка бошқарувининг янги усулларини ишлаб чиқди ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этди. Шунга биноан, мусулмон муассасаларига мутахассисларни тайёрлаб берувчи мадрасалар ҳамда мусулмонларни бирлаштириш имконига эга бўлган диний бошқарув идоралари устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Маҳаллий мактаблар ва мадрасалар рус маъмурияти ихтиёрига ўтказилди, шунингдек, мусулмон мактабларининг ўқитувчиларига ҳар йили меҳнат фаолиятлари учун алоҳида гувоҳнома берилиб, уларга маош тўлаш тартиби жорий қилинди.

Мустамлакачилик даврида халқнинг маънавий ҳаётида муҳим роль ўйнаган диннинг дахлсизлиги расман тан олинган бўлса-да, ammo унинг жамиятдаги мавқеига қаттиқ жиддий путур етказилди. Мустамлака маъмурияти 1886, 1891, 1902 ва 1906 йилларда вақф тўғрисидаги масалаларни чор Россиясининг манфаатларига мослаштирувчи қонунлар ишлаб чиқди. Уларга кўра, вақф мулклари расмийлаштирилган ҳужжатларнинг талай қисми сохта деб ҳисобланиб, бекор қилинди. Ҳатто тан олинганлари ҳам ўз мулкларининг муайян қисмидан ажралдилар. Бу эса, мулкдорларни ўз ерларидан даромад олиш имкониятидан маҳрум қилди. Вақф

¹ Зиёев Х. Жади́длар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошлари) //Жади́дчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. 17-б.

мулкларини ижарага бериш ҳам мустамлака маъмурияти ихтиёрига ўтди, даромадларни тақсимлашни маҳаллий ҳокимият ўз назоратига олди.

Чор ҳукуматининг бундай қатагон сиёсати туфайли вақф даромади ҳисобига тирикчилик қилаётган корхоналар, мактаблар, шунингдек, камбағалларнинг турмушида кескин вазиятни вужудга келтирди. Вақф ерларининг қисқартирилиши, уларнинг мустамлака маъмурияти назоратига олиниши диний муассасаларнинг иқтисодий асосини заифлаштирди¹.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, Туркистондаги маърифатпарварликнинг ривожланишига Қрим, Татаристон, Озарбайжондан кириб келган илғор фалсафий ғоялар ижобий таъсир кўрсатди. Туркистонда бу илғор фалсафий ғояларни тарғиб қилиш зарурлигини англаб етган зиёлилар жадидлар эди. Уларнинг шу даврдаги маънавий жасоратларининг намунаси шундаки, XX аср бошларидаги мустамлакачилик зулмига қарамай, халқимизни миллий уйғониш ва эркинлик сари етакладилар. “Жадидлар томонидан амалга оширилган бу улкан ҳаракатни ўзига хос маънавий жасорат намунаси, деб айтсак бўлади”². Уларнинг фикрича, европача таълим йўлини эгаллаш орқали жаҳон маданий тараққиётига эришиш мумкин. Шу билан бирга, авлодлардан қолган бой маданий-маънавий, фалсафий меросни ўзлаштириш ҳам юқоридагиларни қай даражада эгаллашга боғлиқдир.

Чунки Туркистон маърифатпарварлигида умуминсоний кадрятлар мазмунини ўзлаштириш, ҳар бир янгиликни тарихий мерос сифатида қабул қилиш ўзига хос хусусиятга эга. Ана шу асосда жадидчилик ҳаракатига мос тафаккур ҳам шакллана бошлади. «XIX аср охири – XX аср бошларида кенг тарқалган маърифатчилик ҳаракати халқимиз тарихида миллий онгни ўстириш, уни ижтимоий тараққиётнинг юқори поғоналарига олиб чиқиш йўлида қилинган беминнат ва фидойиларча уринишлар эди. Бу ҳаракат миллий тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлди. У аёвсиз курашлар, муваффақият ва мағлубиятлар, қувонч ва фожиалар билан

¹ Зиёев Х. Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий замани (XIX асрнинг иккинчи ярми-XX асрнинг бошлари) // Жадидчилик: ислоҳот, янгилик, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т.: Университет, 1999. 18-б.

² Каримов И.А. Миллий театримиз – ифтихоримиз. //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. 55-б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИДАГИ КОМИЛ ИНСОН КОНЦЕПЦИЯСИННИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1-§. Жадидчилик таълимоти ва ҳаракати вужудга келишининг тарихий шарт-шароитлари ва ижтимоий-фалсафий омиллари	8
1.2-§. Миллий-маънавий меросда комил инсон ҳақидаги қарашларнинг тарихий-фалсафий илдизлари ва уларнинг жадидлар ижодига таъсири	24
1.3-§. Жадидчилик таълимотида комил инсон концепциясининг намоён бўлиш хусусиятлари	42
II боб. ЖАДИДЛАР ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ	54
2.1-§. Жадид-маърифатпарварлар асарларида комил инсон маънавий қиёфасининг фалсафий таҳлили	54
2.2-§. Жадидчилик таълимотида умуминсоний, ижтимоий ва ахлоқий қадриятлар талқинининг комил инсон тўғрисидаги қарашларида акс этиши	69
2.3-§. Маърифатпарварлар қарашларида миллий истиклол ва инсоннинг ўзлигини англаш ғоялари	85
III боб. ЖАДИДЛАРНИНГ КОМИЛ ИНСОН ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГУМАНИСТИК МАЗМУН-МОҲИЯТИ	103
3.1-§. Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Тавалло, Полвонниёз ҳожи Юсуповларнинг маърифатпарварлик ва миллий ўзликни англаш ҳақидаги қарашлари	103
3.2-§. Маҳмудхўжа Бехбудий ва Абдуқодир Шақурий асарларида комил инсон ҳақидаги қарашлар	119
3.3-§. Ҳожи Муин, Сайид Ризо Ализода ва Вадуд Маҳмудларнинг фалсафий-ижтимоий ғоялари ва комил инсон тўғрисидаги фикрлари	135
IV боб. МИЛЛИЙ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР РИВОЖИДА КОМИЛ ИНСОН ТЎҒРИСИДАГИ ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИНИНГ ЎРНИ	155
4.1-§. Баркамол авлодни тарбиялашда жадидларнинг комил инсон ҳақидаги маънавий меросининг аҳамияти	155
4.2-§. Замонавий таълим-тарбия самарадорлигини оширишда жадидчилик таълимотидан фойдаланишнинг илғор усуллари ва имкониятлари	170
ХУЛОСА	186
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	196